



Ўзбекистон Республикаси, Хоразм вилояти, 221200, Янгибозор шаҳарчаси тел.(0-362) 41-94-141, факс (0-362) 41-94-255
O'zbekiston Respublikasi, Xorazm viloyati, 221200 Yangibozor shaharchasi tel. (0-362)41-94-141, faks (0-362) 41-94-255

“10” август 2020 й.

№ 1311

Янгибозор шаҳарчаси

Янгибозор тумани Боғолон қишлоғи “Боғолон” маҳалласи ҳудудидан фуқаро Қурбиёзова Манзурага мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи билан якка тартибда уй-жой қуриш учун ер майдони ажратиб бериш тўғрисида

Янгибозор тумани Боғолон қишлоғи “Боғолон” маҳалласида яшовчи фуқаро Қурбиёзова Манзуранинг туман ҳокими номига бугунги кунда вақтинча ижарада яшаб келаётганлиги сабабли якка тартибда турар-жой қурилиши учун ер майдони ажратиб беришни сўраб йўллаган мурожаатини ва унга илова қилинган ҳужжатларни, “Боғолон” маҳалла фуқаролар йиғини раисининг маълумотномаси, “Боғолон” маҳалла фуқаролар йиғини кенгаши йиғилиш баёни, М.Қурбиёзовага қўшнилари томонидан берилган маълумотнома, васийликга олинувчиларнинг туғилганлик гувоҳномаси, Янгибозор тумани ҳудудидан фуқароларга мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи билан якка тартибда уй-жой қуриш учун ер участкаларини ажратиш масалаларини кўриб чиқиш бўйича доимий ишловчи туман ишчи гуруҳининг йиғилиш баёнини ва Боғолон қишлоғи “Боғолон” маҳалласи бош режасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 30 декабрдаги “Якка тартибдаги уй-жой қурилиши тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 272-сонли қарори иловасига ва Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани кўллаб-қувватлаш вазирлиги тўғрисидаги низомнинг 7-боб 40-г бандига асосан хотин-қизларнинг муаммоларини ўз вақтида аниқлаш, ёрдамга мухтож бўлган ва оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган хотин-қизларга, шу жумладан, ногиронлиги бўлган аёлларга ижтимоий-ҳуқуқий психологик моддий ёрдам кўрсатиш белгилаб ўтилганлигини инобатга олиб ҳамда Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг ва “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6, 25 - моддаларига асосан

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. Янгибозор тумани ҳудудидан фуқароларга мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи билан якка тартибда уй-жой

қуриш учун ер участкаларини ажратиш масалаларини кўриб чиқиш бўйича доимий ишловчи туман ишчи гуруҳининг йиғилиш баёни тасдиқлансин.

2. Янгибозор тумани Боголон қишлоғи “Боголон” маҳалласида яшовчи фуқаро Қурбонёзова Манзурага Боголон қишлоғи «Боголон» маҳалласи ҳудудидан мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгаллик қилиш ҳуқуқи билан яқка тартибда уй-жой қуриш учун 0,035 гектар (350 кв.м) ер майдони ажратиб берилсин.

3. Туман қурилиш бўлими (О.Давлетов)га

- амалдаги қонунлар асосида ушбу қарорга мувофиқ яқка тартибда уй-жой қуриш учун турар-жой паспортини тайёрлаб бериш ва ажратилган ер майдонининг чегарасини белгилаб бериш;

- фуқаро Қурбонёзова Манзура билан замонавий қурилиш материалларидан фойдаланган ҳолда уй-жой қурилиши тўғрисида шартномалар тузиш, шартнома талаблари бажарилмаганда ер участкасини қайтариб олиш тўғрисида туман ҳокимлигига тақдимнома киритиш вазифаси топширилсин.

4. Туман ер ресурслари ва давлат кадастр бўлими (в.в.б Р.Рахимов) туман ер мувозанатини тузишда ушбу ўзгаришларни ҳисобга олсин.

5. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Ж.Халметов, туман ҳокими ўринбосари Ф.Рўзметова ва туман ҳокимининг ўринбосари в.в.б Н.Мадаминовлар зиммасига юклатилсин.

Янгибозор тумани ҳокими



Ў.Курбанов